

Аз-Замахшарийнинг тўлик номи Абул Косим Махмуд ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Хоразмий ал-имом ал-ханафий ал-мўътазилий бўлиб, лакаби «Жоруллох», тўрт юз олтмиш еттинчи хижрийда Хоразмнинг Замахшар кишлогида тугилган. Бағдодга келиб, устозлар хузурида таълим олган. Хуросонга бир неча марта борган. Каерга бормасин, атрофига одамлар йигилиб, унга шогирд бўлишган. Ким билан мунозара қилмасин, у таслим бўлиб, Замахшарийнинг илмини эътироф этган. Шундай қилиб, унинг овозаси бутун оламга ёйилди ва замонасининг ягона алломасига айланди.

Аз-Замахшарийнинг турли илм сохаларида ўта хассослик билан таълиф этган асарлари бор. Уларнинг биринчиси «Ал-Кашшоф» тафсиридир. Алломанинг нахв хакида «Ал-Мухожот», «Ал-Муфассал», араб тилида «Ал-муфрад вал-мураккаб», хадис тафсирида «Ал-Фоик», лугатда «Асосул-балого», фикхда эса «Руусул-масоил» номли китоблари мавжуд.

«Вафаётул аъён» китобининг муаллифи шундай ёзади: «Аз-Замахшарийнинг эътиқоди мўътазилийдир. У ўзининг эътиқодини яширмасдан, аксинча, фахрланиб юрган. Айтишларича, у бирор кишининг хузурига борса, эшик қоровулига: «Абул Косим мўътазилий келиб, эшик олдида қиришга изн сўраяпти, деб айтгин», деб буюрар экан. У «Ал-Кашшоф»ни ёзиш асносида ҳамду сано хутбасини: «Қуръонни яратган Аллоҳга ҳамд бўлсин!» деб бошлаган экан.

Одамлар ундан бутунлай юз ўгиришган, зиёратига келмай қўйишган. Кейин у «холако» (яратди) сўзини «жаъала» (қилди) сўзига алмаштирган. Холбуки, мўътазилийларнинг наздида бу сўз ҳам «яратди» маъносидадир. Аммо «Ал-Кашшоф»нинг барча нусхаларида тафсир: «Қуръони Қаримни нозил қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин!» деб, «анзала» (нозил қилди) сўзи ишлатилган. «Ал-Кашшоф»даги бу ислох мусаннифнинг эмас, балки муҳаррирнинг ислохидир.

Ал-Ферузободийнинг гувоҳлик беришича, Аз-Замахшарий ўзининг мўътазилий эътиқодида шунчаки бўлган эмас, балки у шу эътиқодда бўлганидан фахрланиб юрган. Шунинг учун унинг ўзи «холако» ёки «жаъала» феълени «анзала»га ўзгартириши мумкин эмас. Эҳтимолки, унинг шогирдларидан бири устозининг обрўсини саклаш максатида ўзгартирган бўлиши мумкин. Ал-Ферузободий «Ас-Салом» шахрига зиёрат учун борганда, у ерда Аз-Замахшарийнинг ўз қўли билан ёзган, ислох қилинмаган тафсир нусхасини кўрганлигини айтади. (Кашфуз-зунун, 2-ж. 176-б.)

Аз-Замахшарий Маккадан қайтиб келганидан сўнг, беш юз ўттиз саккизинчи хижрийда Хоразмнинг Журжонийя кишлогида вафот этади.

Аз-Замахшарий ўзининг «Ал-Кашшоф» номли тафсирини ёзишдан аввал бироз иккиланади. Бу ҳақда муаллиф тафсирнинг муқаддимасида ёзган. Тафсирнинг ёзилиш сабаблари хақидаги маълумотни унинг муқаддимасидан олишни толибга тавсия қилган ҳолда, асосий мақсадга ўтамиз.

«Ал-Кашшоф» гарчи эътизолий ақидага мувофиқ ёзилган бўлса ҳам, бундан катъи назар, жуда юқори қимматга эга бўлган тафсирдир. Қуръони Қаримнинг мўъжизлик сири, назмининг гўзаллиги ва балогатдаги юксак даражаси муаллиф томонидан очиб берилган. Бунинг сабаби Аз-Замахшарийнинг жуда кўп илм сохаларини, хусусан, араб

лугатининг жозибакорлиги, ашъорлар, балогат, баён, эъроб, адаб илмларини мукаммал билганлигидир. Аз-Замахшарий оятлардаги жозибани дархол илгаб оларди. Ўзининг бундай фазилат эгаси эканлигига «Ал-Кашшоф»нинг мукаддимасида ишора этади: «Илмларнинг энг нозиги, хар кандай аклни хайрон киладигани тафсир илми бўлиб, унга хар кандай олим журъат килавермайди. Ал-Жохиз «Назмун Куръон» китобида ёзганидек, факих агар хукм ва фатвода барча тенгдошларидан голиб бўлса ҳам, мутакаллим гарчи калом санъатида аҳди дунёларни лол этса ҳам, тарихчи ва хофиз Киррийянинг ўглидан зехни ўткиррок, воъиз агар Ал-Хасан ал-Басрийдан гапдонрок, Ан-Нашвий агар Сийбавайхдан билимдонрок бўлса ҳам, лугат олими лугатларни сакичдек чайнаб ташласа ҳам, аммо улар Куръон йўли олдида ожиз, хакикати идрок этишдан гунгдир. Аммо Куръонга хос бўлган икки илм: маъоний ва баёнда ўткир илм сохиби бўлган одам бу ишни уддасидан чиқиши мумкин». (Аз-Замахшарий. Ал-Кашшоф, 1-ж. 12-15-6.)

Хакикатан ҳам, Аз-Замахшарий муфассирга зарур бўлган барча василаларни жамлаб, ўзининг улуг тафсирини ёзиб тугатиб, одамлар эътиборига хавола килди.

Аз-Замахшарий ўзининг бу тафсири барча фазилатларни жамлаган асар бўлганини, барча олимлар хузурида хусни кабулга муносиб кўрилганини билгач, Аллохнинг бундай неъматини ва иноятига шукрона келтириб ушбу газални ёзди:

Дунёда тафсирлар сонун саноксиз,

Улар орасида Кашшоф сафодир.

Агар сен хидоят кидирсанг, ўки!

Жахл бир касаллик, Кашшоф шифодир.

Агар Аз-Замахшарий ўзининг тафсири билан фахрланиб, ужуб даражасига етса ҳам, биз уни маъзур тутсак, арзийди, чунки унинг тафсири бошка тафсирлар орасида ягона, устозлар ва шогирдлар орасида ҳам мўътабардир. Хатто унинг хусуматчилари ҳам тафсирнинг камчилигига тўхталишдан аввал унинг фазилатини, таълиф этган алломанинг санъатини эътироф этадилар.

1. Аш-Шайх Хайдар ал-Харавий «Ал-Кашшоф» хакида ўзининг фикр-мулохазаларини баён этиб, бу тафсир ниҳоятда юкори савияда ёзилганини таъкидлайди. Унинг ёзишича, Аз-Замахшарий Куръоннинг бирор оятини тафсир қилишга киришса, агар оятнинг мазмуни унинг хошишига мувофик бўлмаса, оятнинг мадлули унинг муродини ифода қилмаса, у оятнинг зохирий маъносини шошилмасдан, кизишмасдан, ортикча балогий нукталарсиз ўз мақсади йўлига шундай бурадики, у Аллохнинг каломини таҳриф қилаётган бўлса ҳам, ҳеч ким ундан гумон қилмайди. Гапни узокдан олиб келади, билдирмасдан усталик билан эътизолий ақидани сингдиради, натижада толиб унинг фикр тузогига илинади, «хакикат бундан бошқача бўлиши мумкин эмас», деган қарорга келади. Бу жуда катта офат ва мусибатдир.

Аз-Замахшарий тасаввуф лаззатидан бебахралиги туфайли Аллохнинг валийларини ҳам каттик танкид қилади. «Ал-Моида» сурасининг 54-оятини:

«Уларни Аллох севади ва улар ҳам Аллохни севадилар» тафсирида Аз-Замахшарий Аллохнинг валийлари хақиқага лойик бўлмаган, аклли одам тафсирда эмас, фахш китобларида ҳам ёзишдан уяладиган таъналар, бўхтонларни ёзади. Аллохнинг валийларини айблашга шундай журъат қилган одам, Аллохнинг каломига тажовуз қилишга, шубҳасиз, журъат қилади.

Муаллиф тафсирида шундай байтларни келтирганки, улар хазил-мутойиба, масхара

учун ёзилган. Бундай шеърларни тафсирда келтириш шаръан ва аклан жоиз эмас, хусусан, адд ва тавхид ахли учун.

Аз-Замахшарий Пайгамбаримиз(соллаллоху алайхи васаллам)нинг башоратлари билан «фиркаи ножиya» деб аталувчи «ахли сунна вал-жамоa» хакида жуда фахш гапларни гапиради. Уларга хатто «мулхид», «кофир»лик нисбатларини беради, Бундай журъат калби пок иймони бебок уламоларнинг эмас, балки беадаб, эси паст одамларнинг ишидир. (Хайдар ал-харавийнинг таълики кискартириб берилди.)

Абу Хайён хам ўзининг «Ал-Бахрул-мухит» номли тафсирида «Ан-Намл» сурасининг 49-оятини тафсир килиб, кейин шу оятга Аз-Замахшарий кандай маъно берганини тахлил килади ва шундай дейди: «Бу одам (аз-Замахшарий)га Аллох таоло Куръон илмидан, сўзамоллик ва заковатдан комил насиба берган бўлса хам, тафсир китобида баъзи камчиликлар борки, мен уларни касидамда баён этган эдим. Унда аввал «Ал-Кашшоф»нинг фазилатини, унинг ютуқларини айтиб, кейин толибни ундаги камчиликлардан огохлантирдим. Ана шу касидамнинг мадх кисмини эмас, танбех кисмини эътиборингизга хавола килмокчиман: (Касидасининг матни насрда таржима килинди.) «Лекин бу тафсирда танкидий назар билан караш лозим бўлган хато-камчиликлар мавжуд. Муаллиф мавзуъ хадисларни жохиллардек ривоят килади ва шубхали ровийларга нисбат беради. Улуг имомларни хакорат килади. Кискача ибора билан тушунтириш мумкин бўлган фикрни «курук аравани олиб кочгандек» узок ва бехуда гаплар билан судрайди. Аллох айтмаган (Аллохнинг муроди бўлмаган) гапларни айтиб, мукаддас каломни тахриф килади. Оятларнинг таркибини тахдил килишда хам нахв коидаларидан чикиб кетади. Баъзи фикрларни бошка олим ва муфассирлардан ўгирлаган бўлса хам, ўзининг фикридек гапиради. Оятлардан маъно чиқаришда, нахв коидасини риоя килмасдан касддан хато килади. Куръон лафзларини ўзгартириб маънони ўз мазхабига буради. Шунинг учун, Эй Аллох! Бу Шайхнинг номини ўзинг Машрику Магрибдан ўчирган! унга Аллохнинг раҳмати етмаса, у кофирларга хамрох бўлиб қолади». («Ат-тафсир вал муфассирун»)

3. Аллома Ибн Халдун Аз-Замахшарийнинг тафсирини шундай таърифлайди:

«Тафсирларнинг балогат, фасохат ва тил соҳасида энг гўзал ёзилгани Хоразм элидан бўлган Аз Замахшарийнинг «Ал-Кашшоф» тафсиридир. Муаллиф эътизолийдир, Куръон оятларига фикр биддираётганда ўзини ана шу фосид акидаси нуктаи назаридан хужжатлашади, шунинг учун «ахли сунна» уламолари жумхурни доим унинг тузогидан эҳтиёт бўлишга чакирадилар. Лекин тил ва балогат илмини яхши билишига эътироз йўк. Агар толиб мазохиби санийядан вокиф бўлиб, эътиқоди мустахам бўлса, у холда унга каршилигимиз йўк, «Ал-Кашшоф»ни мутолаа килиб, муаллифнинг тил соҳасидаги санъатини, унинг беназирлигини кўриб ибрат олсин.

Ирок ажамларидан бўлган Шарафиддин ат-Тоййибий «Ал Кашшоф»га шарх ёзган. У шарҳида, Куръон оятларининг балогати мўътазилийларнинг акидасига эмас, «ахли сунна» акидасига мувофик эканлигини исботлаган.

4. Аллома Тожиддин ас-Сабукий ўзининг «Муъидун-ниъам ва мубидун-никам» китобида шундай ёзади: «Билингки, албатта «Ал-Кашшоф» тафсири улуг китобдир, унинг муаллифи ўз фанида имомдир. Лекин у бидъатчи одам бўлиб, ўз бидъатини ошкора килувчидир. Пайгамбарнинг кадрини туширишдан, «ахли сунна»га беадаблик килишдан тортинмайди.

Ас-Сабукийнинг отаси Аш-Шайх Такиюддин ас-Сабукий «Ал-Кашшоф»ни мутолаа килиб ўтирган эди. «Ат-Таквир» сурасининг 19-ояти «албатта, у (Куръон) бир улуг элчи (Жаброил)нинг сўзидир».324 тафсирига келганда, дархол китоб саҳифасидан юз ўғирди ва бир варақ оқ коғоз олиб унга: «Ал-Кашшоф»ни ўқишдан воз кечганлигимнинг сабаби» деган огоҳнома ёзди. Унда шундай дейилади: «Мен Аз-Замахшарийнинг тафсирида ҳар қанча фойдалар бўлмасин, унинг «Аллоҳ сизни авф этди»325- ояти, «Ат-Таҳрим» сураси ва бошқа жойлардаги оятларнинг тафсирида бутун махлуқотнинг сарвари бўлган Пайгамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи васаллам)га қилган беадабчиликларини кўриб, Пайгамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи васаллам)дан уялганимдан унинг тафсирини ўқишдан бутунлай юз ўғирдим». Хамюртимиз, тафсир соҳасининг улуг шайхи Жоруллоҳ аз-Замахшарийнинг «Ал-Кашшоф» тафсирини эътиқод нуқтаи назаридан эмас, услуб нуқтаи назаридан мутолаа, таҳлил ва ҳулоса қилишни толибларга ҳавола этамиз.

Раҳматуллоҳ қори Обидов  
(Куръон, тафсир ва муфассирлар китобидан)